O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2003 йил 10 сентябрь, №187 (3299) Чоршанба

## БУХОРО БИЛАН ТАНИШУВ



*БУХОРО. 9 сентябрь. (ЎзА мухбири Илҳом САФАР).*

*Давлат ташрифи билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Малайзия Қироли Янг Ди-Пертуан Агонг XII Туанку Сайед Сиражуддин Сайед Путра Жамалуллайл Зоти Олийлари Бухорони зиёрат қилди.*

Малайзия Қиролининг қадим ва навқирон Бухоро шаҳри билан танишуви Пойи Колон мажмуидан бошланди.

Меҳмонга мажмуа тарихи ҳақида сўзлаб берилди. Масжид YIII асрда бунёд этилган. Шўролар даврида ундан омбор сифатида фойдаланилган. Истиқлол йилларида қадриятларимизга кенг йўл очилгач, Бухоронинг 2500 йиллик юбилейи арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан мажмуада кенг кўламдаги қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. У Марказий Осиёдаги энг катта масжидлардан биридир.

Олий мартабали меҳмон Пойи Калон мажмуига кирувчи Мир Араб мадрасасини зиёрат қилди. Айни кунларда мадрасада юздан зиёд талаба диний ва дунёвий фанлардан таълим олмоқда.

Малайзия Қироли мазкур обидалар билан танишув чоғида Ўзбекистонда миллий, маданий ва маънавий қадриятларни тиклаш, асраб-авайлаш борасида улкан ишлар амалга оширилаётгани, ёшларнинг диний ва дунёвий илмларни пухта эгаллаши учун барча шароит яратилганига гувоҳ бўлганини таъкидлади. Талабаларга ўқишларида муваффақият тилади.

Малайзия қироли Тоқи Заргарон, Абдулазизхон ва Улуғбек мадрасалари, Арк қалъасини, бухоролик ҳунармандлар ясаган буюмлар кўргазмасини томоша қилди.

## Терим мавсумига ҳозирмисиз?

***Тошкент вилояти (ЎзА мухбири Неъмат Душаев).***

*Қарийб 110 минг гектар майдонда ғўза парваришлаган деҳқонлар бу йил давлатга 275 минг тонна қимматбаҳо саноат хомашёси етказиб бериш ниятида.*

*Пахтачиликнинг кейинги йиллар сарҳисобига назар ташласангиз, қизиқ ҳолатга дуч келасиз. Вилоятда бир йил давлатга пахта сотиш шартнома режаси бажарилса, кейинги йил бажарилмаган. Нега шундай? Бу ютуқлардан мағрурланиб, масъулиятни бўшаштириб юбориш оқибати эмасмикан?*

Вилоят деҳқонларининг Оққўрғон тумани С.Сегизбоев номидаги ширкат хўжалигида бўлиб ўтган семинар-кенгашда ана шу савол ўртага ташланди. Ғўза парваришининг сўнгги палласида кўпроқ нималарга эътибор бериш кераклиги, йиғим-теримга тайёргарлик борасидаги долзарб вазифалар ҳақида фикрлашиб олинди.

Семинар-кенгашни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Ўтган йили вилоятда пахта тайёрлаш режаси аро йўлда қолиб кетишининг сабаблари оддий, деди сўзга чиққанлар. Энг аввало, белгиланган майдонларнинг ҳаммасига ҳам пахта экилмади. Боз устига, кўчатлар сони гектар бошига анча кам бўлди — ўртача 87 минг тупдан. Энг ачинарлиси, далалар машина теримига тайёрланмади, дефолиация сифатсиз олиб борилди. Натижада ҳосилнинг баракаси учди.

Вилоятда бу йилги пахта етиштириш тадбирлари ана шу хато ва камчиликлардан тўғри хулоса чиқарилган ҳолда ташкил этилаётгани уруғлик, техника, ёнилғи-мойлаш материаллари таъминотида юзага келган муаммоларни бартараф этишда республика ҳукуматининг ёрдами катта бўлаётгани алоҳида таъкидланди. Мутахассислар фикрича, асосий майдонлардаги ғўзанинг ривожи анча яхши. Ҳар гектар майдонда 105 минг тупдан бўлиқ кўчат ўстирилди. Энг муҳими, ўсимлик касалликлари ва турли зараркунанда ҳашоротларга қарши курашишнинг самарали усуллари кенг фойдаланилди, бу эса ҳосилни тўла сақлаб қолиш имконини бермоқда.

Бу йил вилоятда ҳосилнинг қирқ фоизи машиналар ёрдамида йиғиштириб олинади. Бугунги кунда машина терими учун мўлжалланган майдонлар ва дефолиация муддатлари белгилаб олинди. Ғўзанинг баргини сунъий тўктириш тадбирлари 1 октябргача тугалланиши лозим. Бунинг учун хўжаликларга зарур дефолиант, қўшимча 40 ОВХ пуркагичи етказиб берилиши керак. Шунингдек, мавжуд пахта териш машиналарини мавсумга ҳозирлаш ишларини жадаллаштириш лозим.

Йиғилишда вилоят ҳокими У.Мирзақулов сўзга чиқди.



*Республикамиз турли хил фойдали қазилмаларга бой. Уларни қазиб олиш осон иш эмас. Бунинг учун ишчи кучи билан бирга янги технологиялар талаб этилади.*

*Яқинда Ангрен кўмир конида янги ротор мажмуаси ишга туширилди. Бу Ўзбекистон кўмир тармоғини техник жиҳатдан таъминлаш борасидаги ўзбек ва немис мутахассисларининг машаққатли меҳнати самараси. Ўйлаймизки, бу ўзбекистонлик шахтёрлар учун унутилмас воқеага айланади.*



***СУРАТЛАРДА:** ротор мажмуаси машинисти Туроб Умиров; янги мажмуанинг ишлаш жараёнидан лавҳа.*

**Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.**

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни нишонланиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларимни йўллашдан беҳад мамнунлигимни изҳор этаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, дўст халқингизга доимий тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Камоли эҳтиром билан,

**Муҳаммад Ҳусний МУБОРАК,**
**Миср Президенти.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллиги байрам қилиниши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий қутловларимни ҳамда шахсан Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, мамлакатингиз ва халқингизга эса равнақ тилаб билдирган энг эзгу истакларимни яна изҳор этиш менга ғоят катта мамнуният бахш этади.

**Ҳожи Ҳассанал БОЛКИАХ,**
**Бруней - Доруссалом Султони.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига чин дилдан изҳор этаётган қутловларимга ҳамда Сизга омонлик ва бахт-саодат, шунингдек, мамлакатингиз ва унинг халқига янада фаровонлик ва равнақ тилаб билдираётган самимий истакларимга Таиланд халқи ҳам қўшилади.

**Пумипон АДУЛЬЯДЕТ,**
**Таиланд Қироли.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мамлакатингизнинг Мустақиллик куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Бирлашган Араб Амирликлари халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номимдан самимий табрикларим ва эзгу истакларимни изҳор этишдан ғоятда мамнунман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига бахт-саодат, мамлакатингизнинг биродар халқига эса равнақ ва фаровонлик тилайман.

Камоли эҳтиром ила,

**Зоид бин Султон Ол НАҲАЁН,**
**Бирлашган Араб Амирликлари Президенти.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари,

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллиги эълон қилинган куннинг 12 йиллиги муносабати билан поляк халқи ва шахсан ўз номимдан Ўзбекистон халқи ва шахсан Сизга самимий қутловлар ҳамда эзгу тилаклар йўллайман. Сизни ишонтириб айтмоқчиманки, Ўзбекистонда демократик тартибни мустаҳкамлаш ва уни ҳар томонлама ривожлантириш манфаатлари йўлидаги интилишларингизни қўллаб-қувватлайман.

Давлат мустақиллигининг ўрнатилиши ҳар бир халқ учун тарихий воқеадир. Ўтмишда мустақилликдан маҳрум бўлишни бошидан оғир кечирган халқ сифатида биз, поляклар буни, айниқса, яхши англаймиз.

Айни шунинг учун ҳам ўзбек халқининг замонавий давлат, ҳозирги Ўзбекистонни барпо этишдан иборат ишига ҳурмат билан қараймиз. Масъулиятли ва муҳим шерик бўлмиш Ўзбекистон халқаро майдонда тобора катта роль ўйнамоқда.

Ишончим комилки, халқаро муносабатларда Ўзбекистоннинг фаолияти ортиб бораётганлиги поляк-ўзбек ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашади, бу ҳамкорлик кейинги йиллар мобайнида янада жўшқин тус олди. Сизнинг яқинда Польшага буюрган ташрифингиз мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга алоҳида муҳим ҳисса қўшдики, мазкур ташриф поляк-ўзбек мулоқотларига анъанавий равишда хос бўлган дўстлик ва ўзаро ҳурмат муҳитини яна бир карра тасдиқлади.

Сўнгги учрашувимизнинг самимий муҳитини ёдда сақлаган ҳолда, Сизнинг Президентлик фаолиятингизда чин қалбдан муваффақиятлар, шунингдек, шахсий ҳаётингизда бахт-саодат ва омонлик тилаб қоламан.

Камоли эҳтиром ила,

**Александер КВАСЬНЕВСКИ,**
**Польша Республикаси Президенти.**

## Сейсмологлар ҳамкорлиги

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ғани Мавлонов номидаги Сейсмология институтига хитойлик сейсмологлар томонидан қиймати 300 минг АҚШ долларига тенг бешта замонавий сейсмик станция топширилди.

2001 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси ва Хитой сейсмология бюроси ўртасида ўзаро ҳамкорлик битими имзоланганди. Мазкур битимга кўра хитойлик мутахассислар кадрлар тайёрлаш ва тизимни янги асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш борасида мамлакатимиз сейсмологлари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Хитойлик ҳамкорлар томонидан берилган станцияларнинг тўрттаси Тошкент шаҳрида, биттаси Самарқанд вилоятида ўрнатилди.

**«Туркистон-пресс».**

## Инсонпарварлик ёрдами

Германия пойтахтининг Берлин-Митте райони соғлиқни сақлаш идораси ва мамлакатнинг бошқа ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги марказий госпиталига умумий миқдори 590 минг еврога тенг инсонпарварлик ёрдами юборди.

Ўзбекистонга инсонпарлик ёрдами бериш орқали мамлакатимиз билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўяётганлар сирасига бугун Германиянинг кўплаб давлат ва нодавлат ташкилотлари, хусусий компаниялар ҳамда ушбу мамлакатда фаолият олиб бораётган хорижий ташкилотлар ваколатхоналарини киритиш мумкин.

Бу галги инсонпарварлик ёрдами асосан жарроҳлик ва ички касалликларни даволашга мўлжалланган тиббиёт ускуналари, муолажа столлари, гидравлик кроватлардан иборат.

**Аслам АКБАРОВ,**
**«Жаҳон» АА мухбири.**
**Берлин.**

## 6 та кенгаш йиғилиши

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги 290-сонли қарорида соҳадаги мавжуд муаммоларни ечиш мақсадида пахтачиликни ривожлантириш; ғаллачиликни ривожлантириш; сабзавот-полиз экинлари, мева ва узумчиликни ривожлантириш ҳамда уларни комплекс қайта ишлаш; чорвачиликни ривожлантириш; ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ирригацияни ривожлантириш ва ер унумдорлигини ошириш; қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва кимёлаштириш Кенгашларини тузиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланган эди. Ушбу ҳужжатларда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бошқаруви марказий аппаратининг тузилмасида шаклланадиган ана шу 6 та Кенгашнинг асосий вазифалари ҳам белгилаб берилганди. Тегишли тармоқларни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги салоҳиятидан самарали фойдаланиш бўйича аниқ тавсияларни ишлаб чиқиш шулар сирасига кирарди.

Кеча Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида мазкур Кенгашларнинг ташкилий масалаларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Таъкидландики, Кенгашларнинг аъзолигига Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан жамоатчилик асосида 90 нафар етакчи мутахассис, шу жумладан, 30 нафар олим танлаб олинди. Кенгашларнинг раислари эса Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳайъатининг аъзолари ҳисобланадилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков иштирок этди.

**Ўз мухбиримиз.**

*Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтида Хавфсизлик муаммоларини ўрганиш бўйича Европа маркази (Ж. Маршалл номидаги марказ) директори Жон Роуз бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди. Марказнинг янги дастурларида Ўзбекистоннинг иштироки, институт ва мазкур марказ ўртасидаги алоқалар, шунингдек, халқаро терроризмга қарши курашда Америка — Ўзбекистон ҳамкорлиги масалалари учрашувнинг асосий мавзуси бўлди.*

## Европа маркази делегацияси билан учрашув

Ж. Маршалл номидаги марказ 1993 йил 5 июнда ташкил этилган бўлиб, ўтган йиллар давомида у ерда юздан кўпроқ ўзбекистонлик ҳарбий ва расмий фуқаролар таълим олишди. Марказ ҳарбийлар ва фуқароларга Америка, Европа ва Евроосиё минтақаларида яшовчи халқлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни кучайтириш ҳамда демократик давлатларда миллий хавфсизликни сақлаш ва қўллаб-қувватлашни кенг миқёсда ўргатувчи дастурларни тавсия этади. Бу дастурларда 45 дан кўпроқ мамлакатдан расмий кишилар иштирок этган.

2002 йилнинг 16 ноябридан бошлаб марказга истеъфодаги бригада генерали, доктор Жон Роуз директорлик қилмоқда. У халқаро алоқалар, илмий тадқиқотлар, бизнес ва стратегик режалаштириш бўйича 34 йиллик иш тажрибасига эга.

Келгусида марказни битирувчилар ўртасида тажриба ва ахборот алмашиш бўйича бир қанча тадбирлар ташкил этиш режалаштирилмоқда. Жумладан, бундан буён марказнинг собиқ битирувчилари 5 йиллик муддат ўтганидан сўнг марказ томонидан ташкил этилган конференция ва семинарларда қатнашишлари, шунингдек, ўз маърузалари билан иштирок этишлари мумкин. Марказ олий ва ўрта бўғин ходимлари учун ўқув курсларидан ташқари, 2002 йилдан бошлаб давлат ташкилотлари кичик бўғин хизматчилари учун 9 ҳафталик янги ўқув курслари очди.

Европа маркази вакилларининг фикрича, аксилтеррор кампанияси доирасида АҚШ ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнади. Марказ вакиллари, Афғонистондаги ҳозирги жараёндан қатъий назар, Америка-Ўзбекистон ўзаро ҳамкорлиги узоқ муддат давом этишига ишонадилар. Ўз навбатида, марказнинг тадқиқот дастурлари бу алоқаларнинг яна ҳам мустаҳкамланишига кўмаклашади.

Халқаро терроризм ва экстремизм муаммолари марказ тадқиқотлар дастурига киритилган ва бундан буён ҳам унинг фаолиятидаги асосий мавзулардан бўлиб қолади.

**Б. УММАТОВ.**

Янги ўқув йили бошланди

## КЕЛАЖАККА ИЛК ҚАДАМ

*Баҳодир — қўшнимиз Раҳимберди дўхтирнинг кенжа ўғли. У энди етти ёшга тўлди. Шу боисдан, Баҳодир янги ўқув йили бошланадиган 2 сентябрь кунини сабрсизлик билан кутди. Эрталаб чақмоқдай қилиб кийинтирилган Баҳодирни дадаси етаклаб уйдан чиқди. Уларнинг орқасидан чиққан Баҳодирнинг бувиси болани яна бир бор бағрига босиб, эркалаб пешонасидан ўпди-да, сўнг остона ёнида чўккалаб дуога қўл очди.*

— Илоҳим, мактабга босган илк қадаминг қутлуғ бўлсин. Йўлинг ёруғ бўлсин. Униб-ўсиб, дадангдай ўқимишли, эл корига ярайдиган одам бўлиб вояга етгин.

Мактабда эса уни янада каттароқ қувонч пойлаб турган экан.

Ҳовлидаги тонгги карнай-сурнай, тантанали йиғилиш, қўшиқ-куйлар, табриклардан кейин Баҳодир ва бошқа биринчи синф ўқувчилари синфхоналарига кирдилар. Устоз муаллима аввал ўзини уларга таништирди, кейин болакайларнинг ҳар бирига битта-биттадан чиройли мактаб сумкаларини улашди.

— Бу сизларга Президент бобонгиз томонидан совға. Ҳар бирини ичида сизлар учун керакли ўқув қуроллари бор. Мамлакатимиз раҳбари бу совғаларни жўната туриб, сизларни ақлли, тартиб-интизомли, тиришқоқ, билим-ҳунар ўрганишга қизиқувчан болалар бўлсин, деб тайинлаб юборибдилар. Сизлар нима дейсизлар?

Болалар баравар оёққа қалқиб, жўр овоз бўлиб жавоб бердилар:

— Бизлар ақлли, тартиб-интизомли, тиришқоқ, билим олишга қизиқувчан болалар бўламиз, деб Президент бобомизга сўз берамиз.

— Баракалла! — деди устоз. Ва шундан кейин уларнинг ҳаётидаги дастлабки дарс соати — Мустақиллик дарси бошланди...

Мен ишдан қайтиб, кеч-қурун қўшним Раҳимберди дўхтирнинг уйига кирдим. Ниятим — ўғли Баҳодирни биринчи мактаб куни билан табрикламоқ эди. Ҳовлига киргандаёқ болакайнинг ўзи ёнимга келиб, менга қувона-қувона Президент бобосининг совғаларини битта-битта кўрсатди. Мен Баҳодирнинг кўзлари қувонч ва мамнуниятдан порлаб, мактабдаги биринчи кунини ҳаётидаги бемисл воқеадай ҳикоя қилганини завқ билан эшитдим. У кеттач, беихтиёр бошқача хаёлларга толдим.

Республикамиз умумтаълим мактабларида бу йил 2 сентябрда 624 минг 803 нафар, худди Баҳодирга ўхшаш 7 ёшга тўлган болалар биринчи синфларга келди. Ва уларнинг ҳаммаси давлатимиз раҳбарининг совғаларини олди. Демак, бу кун ана шунча хонадонда байрам, қувонч. Чунки болакайлар ва қизалоқлар қувончи — хонадонлар қувончидир. Демак, яна мамлакатимиздаги миллионлаб кишилар қалби 2 сентябрь шукуҳи билан нурланганлиги, шубҳасиз.

(Давоми 2-бетда).

## Нукус ва нукусликлар

*Қорақалпоғистонда биринчилар қатори «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига 1997 йил Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Акушерлик ва гинекология илмий-тадқиқот институти Нукус филиали клиникасининг туғуруқхона бўлими мудираси Онесия Сайтова сазовор бўлган. Бундай юксак унвоннинг айнан шу аёлга берилишида қорақалпоғистонликлар чуқур бир рамзий маънони англашади. Чунки Онесия опанинг касби инсоннинг бу дунёга келишидек мўъжизавий воқеа билан боғлиқ.*

# АССАЛОМ, ЯНГИ ИНСОН!



Нукусда эътиборга лойиқ жойлар, иншоотлар кўп. Аммо бу клиниканинг ўрни бўлакча. Оролбўйида бошқа бунақаси йўқ. Айни пайтда Онесия Сайтовадек бошқа гинекологни ҳам топа олмайсиз. Қорақалпоғистонликлар, айниқса, аёллар опанинг исмини эшитганда беихтиёр тиббий муассасани эслашади. Бу бежиз эмас, албатта. Бутун умидлари пучга чиққан қанчадан-қанча аёллар айнан Онесия Сайтова ва клиника жамоасининг ҳатти-ҳаракати туфайли она бўлишдек катта бахтга эришишди.

Ушбу илмий-тадқиқот институтининг Нукус филиалида юзга яқин шифокор минтақа учун долзарб мавзудаги илмий ишларни амалиёт билан қўшиб олиб борадилар. Жумладан, филиал директори Адил Елгондиев «Жанубий Оролбўйи шароитида аёлларда биринчи ҳомиладорлик жараёни кечишининг хусусиятлари» мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлади.

Илмий-тадқиқот институтининг Нукус филиали фаолияти нафақат Қорақалпоғистонда, балки бутун мамлакатимизда юксак мавқега эга. Бу, албатта, биринчи галда тиббиёт ходимларининг юқори малакаси билан изоҳланади.

Қуйидаги рақам ва далилларга эътибор беринг: 280 та ўринга эга клиникада ҳар йили беш мингга яқин бола туғилади. Шифокорлар деярли ҳар куни она ва бола саломатлиги учун чинакам жасорат билан курашадилар. Чунки, сир эмас, аксарият аёллар заиф, унинг устига Оролбўйида юзага келган оғир экологик ҳолат ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Очиғи, айнан шу клиникада ишлаш жараёнида бузилган экологиянинг инсон организмига кўрсатадиган салбий таъсирини тўлиқ ҳис этиш, кўриш мумкин. Айни пайтда аёлларнинг соғлом насл кўриши, она ва боланинг оёққа туриши учун қўлидан келадиган ҳамма ишни қилаётган шифокорларга ҳурматингиз ўн чандон ошади.

2000 йил Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг эксперти томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Акушерлик ва гинекология илмий-тадқиқот институти Нукус филиали клиникаси «Болага нисбатан энг меҳрибон клиника» сифатида баҳоланган. Бундай эътирофни 2002 йил ЮНИСЕФ мутахассислари ҳам тасдиқлашган. Бу эса, ушбу клиника фаолиятига берилган юксак баҳо, демакдир.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, клиникада болани кўкрак сути билан боқишнинг ўнта тамойилига риоя қилинади. Бу тамойиллар бола соғлом униб-улғайиши учун энг мақбул усуллар сифатида жаҳон тиббиёт амалиётида тан олинган.

Албатта, шундай нуфузли тиббий муассасанинг обрў-эътиборини муттасил сақлаб туриш осон эмас. Бунинг учун машаққат билан тер тўкишга тўғри келади. Лекин, эришилган натижалар ҳам шунга яраша салмоқли.

Албатта, шу ўринда клиникага номлари юқорида қайд этилган халқаро ва бошқа ташкилотларнинг яқиндан ёрдам бериб келаётганини қайд этиш лозим. Жумладан, тиббиёт ходимлари малакасини ошириш борасида турли анжуманлар ўтказилади. Клиника замонавий тиббий асбоб-ускуналар, жиҳозлар, дори-дармонлар билан таъминланмоқда. Хусусан, Япония ҳукумати томонидан 1,6 миллион АҚШ доллари миқдорида турли хил замонавий асбоб-ускуналар ажратилиб, беғараз ёрдам кўрсатилди. Айни пайтда Европа Иттифоқи томонидан кредит маблағлари келиб тушаяпти.Ҳозирги пайтда клиникада кўкрак сути билан боқиш ва она хавфсизлиги бўйича ЮНИСЕФнинг иккита дастури доирасида иш олиб борилаяпти. Бунинг нафақат республикамиз, ҳатто жаҳон тиббиёт муассасалари томонидан тан олингани кўнглимизда фахр уйғотади. Бунда эса «Ўзбекистон Қаҳрамони» Онесия Сайтованинг хизматлари беқиёс.

**Озод САИДОВ.**

---

**Таҳририятга келган хат:**

*"Биз икки йилдан буён ичимлик сувидан қийналяпмиз. Мутасадди ташкилотларга қилган арзларимизнинг натижаси қуруқ ваъдадан нарига ўтмаяпти. Газ таъминотининг аҳволи ҳам яхши эмас. Кўпинча газни тўхтатиб қўйишади. Сабабини сўрасак, турли баҳона келтиришади. Шу муаммоларни ҳал этишда ёрдам беринглар".*

**Жиззах шаҳар, Бобур номли маҳалланинг Шермат Умаров кўчасида яшовчи бир гуруҳ фуқаролар номидан Р. ШУКУРУЛЛАЕВ ва бошқалар.**

Газетада босилмади, аммо...

## Муаммо ҳал этилди

**Таҳририятга келган расмий жавоб:**

"Ичимлик суви ва табиий газ таъминотидаги мавжуд камчиликлар бўйича ёзилган шикоят хати вилоят "Сувоқова", "Газтаъминот" шўъба корхоналари масъул раҳбарлари томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди. Мавжуд камчиликлар бартараф этилди. Бугунги кунда ўрта босимли табиий газ билан бир меъёрда таъминланган ичимлик суви график асосида бериб борилмоқда. Вилоят "Газтаъминот" шўъба корхонаси томонидан ишлаб чиқилган чора-тадбирларга асосан жорий йилнинг учинчи чорагида Қалия ва Бахт кўчалари кесишган жойдаги ўрта босимли газ тармоқлари қайта ҳалқаланиб, қиш мавсумида ҳам Бобур номли маҳаллани бир меъёрда табиий газ билан таъминлаш кўзда тутилган.

**С.СУБҲОНҚУЛОВ,**
**Жиззах вилояти ҳокимининг ўринбосари».**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҚУЙИДАГИ САВДО БЕЛГИЛАРИ МАҲСУЛОТЛАРИ:**

⇨ «YAYLA», «SANA» МАРГАРИНЛАРИ;
⇨ «FAX», «DURU», «SAVOY», «ARKO», «PAMELA» ТОЗАЛАШ ВА ЮВИШ ВОСИТАЛАРИ;
⇨ «SAFIR», «SIMFER» МАИШИЙ ТЕХНИКАЛАРНИНГ

ЎЗ МАҲСУЛОТЛАРИНИ СОТИШ УЧУН ЎЗБЕКИСТОН БЎЙИЧА МИНТАҚАВИЙ ДИЛЕРЛАР КЕРАК.

РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТЕРИ БЎЛГАН ҚЎШМА КОРХОНАГА

Маълумот учун телефон: 186-92-21.

**НИЗОМИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**қуйидаги кафедралар бўйича бўш ўрин лавозимларига танлов эълон қилади.**

**Кафедра мудирлари:** иқтисодий назария; умумий педагогика; умумий тилшунослик; ҳозирги ўзбек адабиёти.

**Профессор:** умумий педагогика (1).

**Доцентлар:** иқтисодий назария (1); демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти (1).

**Ўқитувчилар:** демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти (3), иқтисодий назария (2), фалсафа (1), умумий психология (1), давлат ва ҳуқуқ асослари (1), тиббий билим асослари ва фуқаро ҳимояси (1), чақириққача ҳарбий таълим ва жисмоний тайёргарлик (1), Ўзбекистон тарихи (2).

*Кафедра мудирлари лавозимларига танловда фан доктори, профессор, фан номзоди, доцентлар иштирок этишлари мумкин.*

**Танлов муддати — эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кун.**

*Танловда қатнашишни хоҳловчилар қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Хожиб кўчаси, 103-уй, Низомий номли ТДПУ ходимлар бўлими.*
**Телефон: 55-68-70.**

**Ректорат.**

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ВА ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**кафедра мудирлари таркибидаги бўш ўринларга танлов эълон қилади (2003/2004 ўқув йилига).**

| № | Кафедралар | Кафедра мудири |
|---|---|---|
| 1. | Назарий механика ва материаллар қаршилиги | т.ф.д., профессор |
| 2. | Фалсафа | ф.ф.д., профессор, ф.ф.н., доцент |
| 3. | Материалшунослик | т.ф.н., доцент |
| 4. | Педагогика ва психология | п.ф.н., доцент |
| 5. | Жисмоний тарбия | ф.н., доцент |
| 6. | Машина қисмлари ва машина механизмлари назарияси | т.ф.д., профессор, т.ф.н., доцент |
| 7. | Автомобилларда ташишни ташкил этиш ва бошқариш | т.ф.д., профессор, т.ф.н., доцент |
| 8. | Химмотология | т.ф.д., профессор, к.ф.н., доцент |
| 9. | Чизма геометрия ва графика | т.ф.н., доцент |
| 10. | Аэропорт ва аэродром | т.ф.н., доцент |
| 11. | Ўзбек ва рус тиллари | ф.ф.н., доцент |
| 12. | Йўл қурилиш иқтисоди ва менежменти | и.ф.д., профессор |
| 13. | Кимё | к.ф.д., профессор, к.ф.н., доцент |
| 14. | Меҳнат ва атроф-муҳит муҳофазаси | т.ф.д., профессор, т.ф.н., доцент |

**Vacancy Announcement**

**The OSCE Centre in Tashkent ("CiT") is recruiting for the following position:**

***National Assistant Project Coordinator***

(1) This individual will provide programme support the CiT's political-military dimension activities with emphasis on politico-security issues. This individual is supervised by the Head of Centre.

**Duties and responsibilities:**
- Provide support for the development, implementation and monitoring of CiT's activities in the political-military dimension
- Participate in planning CiT's activities and drafting projects
- Conduct political analysis on the politico-military situation in Central Asia
- Prepare various written reports, including background papers and briefing papers
- Write press releases
- Maintain contacts with Government agencies, NGOs, Universities and other institutions
- Organize meetings and conferences
- Assist in budgeting process, and follow-up on project expenditures
- Perform other duties as required

**Qualifications:**
- Strong analytical capabilities and strategic planning skills
- University degree in Political Sciences, Law, International Relations or other relevant discipline, or the equivalent combination and experience in a related area
- Excellent knowledge of the political, social, economic situation in Uzbekistan
- Minimum 3 year of experiences in programme and project planning, management and implementation, including financial management
- Working experience with international organizations and government institutions
- Excellent English and Russian languages skills. Working knowledge of Uzbek is a plus.
- Ability to work independently, and as a team member
- Good knowledge of MS Windows applications (spreadsheets, word processing, e-mail)

The OSCE is an equal opportunity organization, encourages female candidates to apply.

**To apply for the position, please send a cover letter in English describing your experience, along with a CV at least two references, by Friday September 18, 2003 to:**

**e-mail: jobs@osce.sand.uz**
or hand deliver in an envelope to:

Dr. Marie-Carin von Gumppenberg
Political Officer
OSCE Centre in Tashkent
Khamid Alimjan Square
Western Side, 2-nd Floor
700000 Tashkent

---

# ОСОН КЕЧМАГАН

Муборак, Касби туманларидан маълум миқдорда майдонлар ажратилган. Улар ўша ерда хўжаликлар ташкил этиб, деҳқончилик қиладилар.

Зубай бобо Зикриллаев ҳам кўплар қатори ана шу чўлдаги хўжаликларнинг бирида оддий ишчи бўлиб ишларди. Турли хил иғволарни уюштириб, Зубай бобони ҳам «Сен катталарга пора олиб боргансан», деб қамашган. Қария Жиноят кодексининг 119-моддаси билан айбдор деб топилиб, 16 йил озодликдан маҳрум қилинган. Ана сизга мамлакатнинг ақли ҳисобланмиш қонунлари-ю, «донишманд қонунчилари». Вилоят раҳбариятининг эътибори билан Зубай бобо тезда озод қилинди. Бўлмаса отахоннинг умри қамоқда ўтиб кетиши ҳеч гап эмасди.

Қонун ва адолат ҳақида турфа фикрлар бор. Бировлар уларни инсоний доноликнинг юксак ифодаси деб англаса, яна бошқалар қонунлар мамлакатнинг ақли деб ҳисоблайди. «Қонунга риоя қилмайдиган одамдек ёвуз ҳайвон йўқ», деб берилган таъриф эса айни ҳақиқатдир. Марказдан келган «қонун ҳимоячилари» аслида ана шундайлар тоифадан эдилар. Уларнинг мақсадлари халқни талаш, бойлик орттириш, элга хўрлик ва хорлик келтириш бўлган, холос.

Шаҳрисабз туманида республикага донғи кетган «Социализм» жамоа хўжалиги бўларди. Уни узоқ йиллар давомида тиниб-тинчимас Ҳурмат опа Шойимова бошқарар эди. Хўжаликмисан, хўжалик эди, ўзиям. Одамлари тўқ, фаровон, қишлоқлари обод, шаҳар мисоли кўркам. Бир қатор журналистлар Ислом Абдуғаниевичга ҳамроҳлик қилиб, шу хўжаликка бордик. Оёқларига этик кийган, юзлари қуёшда қорайган, серғайрат раисани даладан топиб келишди. Ишлар ёмон эмаслиги, лекин жуда оғир бўлаётгани, одамлар ноҳақлик, инсон душманига ҳам раво кўрмайдиган кулфатлардан ниҳоятда эзилгани ҳақида ғам-ғусса билан гапирди раиса ва бирдан ўпкаси тўлиб йиғлаб юборди.

— Ҳамма мени бахти бекам, бахтиёр аёл деб ўйлайди. Билишмайдики, Оллоҳ мени фарзанддан қисган, Ислом Абдуғаниевич, — деди опа, зўрға ўзини қўлга олиб. — Бутун умр фарзанд кутиб ўтдим. Лекин, на илож... Тақдиримга шу битилган экан, деб болалар уйидан икки болани тарбиямга олдим. Ҳозир уларнинг бири бешда, иккинчиси учда. Ота-она меҳрига зор ўсган болалар яна етим бўлиб қоладиганга ўхшайди. Мени қамашмоқчи. Бу москваликларнинг ҳақоратлари, бераётган азобларидан ўша қамоқхона афзалу лекин гўдакларнинг аҳволи не кечади, унда?

— Кўнглингиз тўқ бўлсин. Улар билан ўзим гаплашаман, болаларингиз ҳеч ҳам етим қолмайди, — деди Ислом Абдуғаниевич қатъий.

Шундан сўнг ҳақиқатдан ҳам Ҳурмат опа «десантчилар»нинг тазйиқидан қутулди.

Яна бир воқеа. 1987 йилнинг кузлари эди. Ўша вақтда республиканинг айрим раҳбарлари томонидан бир неча вилоятларни бирлаштириш масаласи кўтарилди. Тайёрланган ҳужжатларда Қашқадарёни Бухоро, Жиззахни Сирдарё вилоятлари билан қўшиш, бутун Фарғона водийсини битта вилоятга айлантириш,Навоий вилоятини умуман бўлиб юбориш тўғрисида фикр билдирилган эди. Республикани ўнглаб бўлмас ҳолга, халқни сарсон-саргардонликка дучор этишга мўлжалланган бу «ихтиро» албатта, юқоридагиларга ёқар, улар томонидан қўллаб-қувватланиши муқаррар эди.

Шу вақтда вилоят раҳбари хизмат сафарида эди. Вилоятларнинг қўшилишига оид йиғилишларни ўтказадиган махсус комиссия раҳбарлари юқоридан норози одамларга: «Масала узил-кесил ҳал этилган, бошқа гап бўлиши мумкин эмас. Кимки норозилик билдирса, шикоят ёзгудек бўлса ўзидан кўрсин», дея дўқ-пўписа қилишдан ҳам тойишмасди. Айрим раҳбарлар янги вилоятдан қандай мансаб эгаллаш ташвишида эди. Ана шундай тушкун кунларнинг бирида Ислом Абдуғаниевич вилоят ижроия қўмитасининг раиси А. Кадинга қўнғироқ қилиб: «Халққа айтинг, бу аҳмоқона фикр ҳеч қачон амалга ошмайди. Мен тезда етиб бораман», дейди.

Республикада шундай текшир-текшир, қама-қама кетаётган бир пайтда раҳбарлар фикрига қарши бундай дадил йўл тутиш жуда қалтис, камдан-кам учрайдиган жасорат эди.

У киши масалани ҳал этиш учун Москвага йўл олади. Кремлда бўлиб, раҳбарларни Қашқадарёнинг салоҳияти, республикада тутган ўрни, унинг келажаги, имкониятлари билан таништиради. Ўз навбатида икки вилоятни қўшиш қандай кулфатларни келтириб чиқаришини аниқ далиллар билан исботлаб беради. Шундан сўнг Қаршига етиб келади. Дарҳол мажлислар залига вилоят фаолларини тўплайди.

— Сизларга нима бўлди, нега кайфиятларинг йўқ, руҳларинг синиқ? — дейди вилоят раҳбари. — Қани қашқадарёча қувноқлик, мардлик? Бир силкишда одам шундай шалвираб қоладими? Эшитдим, ҳаммасидан хабардорман, вилоят ҳеч қачон ҳеч қаерга қўшилмайди.

Гулдурос қарсаклардан зал ларзага келади. Кечагина қўшилишдан лоф урган, кўзларини ўйнатиб сўзлаган раҳбарлар гаранг. Нима дейишга ҳайрон.

— Далада ишдан дарак йўқ эмиш, — сўзида давом этади И. Каримов. — Бургага аччиқ қилиб, кўрпани куйдирманглар. Қашқадарёни республика харитасидан ўчиришга йўл қўймасликка мен кафилман. Эртадан бошлаб ҳамма ишга киришсин.

Оқар сувга қарши бориш осон кечмаган. Лекин, Ислом Абдуғаниевич буни уддалади.

Юқоридаги айтган гапларимиз айрим мисоллар холос. Марказдан келган «десантчилар» нафақат Қашқадарёда, бутун республикада чидаб бўлмас бедодликларни амалга оширди. Ўша пайтда уларнинг айтгани айтган, дегани деган эди. Ҳеч ким пишагини пишт дея олмасди. 1984-1989 йиллар давомида ўн минглаб одамлар чидаб бўлмас қийноқларга солинди. Кўплаб одамлар охиригача тергов қилинмай, суд ҳукми билан отиб юборилди. Шундай пайтда республикадаги биронта раҳбар бу жаҳолатга қарши чиқа олмади. Фақат Ислом Каримов «десантчилар» истибдодига барҳам бера олди.

1990 йилнинг бошларида Президент И. Каримов номига Гдлян ва Иванов гуруҳи ўтказган қатағон қурбонларининг оила аъзолари, қариндош-уруғларидан хат келади. Улар мамлакат раҳбарига: «Сиздан зулми-ситам, ноҳақликдан ғам-қайғуга ботган қалбимиз ҳайқириғи билан адолатни тиклашда ёрдам беришингизни сўраймиз...» дея илтижо қилишганди.

Албатта, бошқа раҳбар бўлганда бу хатни эътиборсиз қолдириши мумкин эди. Чунки у пайтда СССР деган буюк салтанат ҳали қуламаган, Москва ҳали жиловни қўлдан бермаган пайтлар эди. Марказ қарорига қарши қилинган ҳар бир ҳаракат-жиноят, ватанга хиёнат деб қабул қилинарди. И. Каримов шундай қийин пайтда жасорат кўрсатди. 1990 йилнинг февралида Президент фармойиши эълон қилинди. Унга мувофиқ «пахта иши» бўйича уюштирилган жиноий ишларни ўрганиб чиқиш учун нуфузли комиссия тузилди. Тасаввур қилинг: Москва амалга оширган ишни ҳаққоний ёки ҳаққоний эмаслигини Тошкент текшираяпти. Бу ўша вақтлар учун фавқулодда ҳодиса эди.

Шукурки, бугун бундай истибдодларга чек қўйилди. Энди бизга ҳеч ким четдан туриб тазйиқлар қила олмайди. Чунки биз мустақилмиз. Истиқлолимиз абадий бўлсин.

**Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**республикада хизмат кўрсатган маданият ходими.**
**Беккул ЭГАМҚУЛОВ,**
**республикада хизмат кўрсатган журналист.**




Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институти жамоаси институтнинг Нур ташхиси кафедраси доценти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор **Тўйчи ИЛЯСОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент архитектура қурилиш институти жамоаси лаборатория мудири **Фатхулла ака АБДУЛЛАЕВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оиласига чуқур таъзия билдиради.

